

Муслимбек Йўлдошев

---



# Мўминга безона баҳор

---

МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯ СУХАНДОНИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ  
АБДУМЎМИН ЎТБОСАРОВНИ ХОТИРЛАБ

  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2016

**УЎК: 821.512.133.1**

**КБК: 84 (5Ў)7**

**Й – 73**

**Йўлдошев, Муслимбек**

Мўминга бегона баҳор / М.Йўлдошев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 224 б.

ISBN 978-9943-27-880-6

Абдумўмин Ўтбосаровни кўпчилик моҳир сухандон сифатида доимо хурмат билан эслайди. Энг яқин дўсти, хамсухбати, кадрдони Муслимбек Йўлдошевнинг китобини ўқигач эса Абдумўмин Ўтбосаровнинг ўзига хос хислатларидан ҳам воқиф бўласиз. Унинг ўз ишига ўта масъулият билан ёндашиши, оиласига, яқинларига меҳру муҳаббати, тўғрисиўзлиги ва ҳалоллиги ҳақидаги ҳаётий лавҳаларни ўқиган, ижодий изланишлари билан танишган китобхон умр – яшалган йиллар ҳисоби билан ўлчанмаслигига амин бўлади.

**УЎК: 821.512.133.1**

**КБК: 84 (5Ў)7**

ISBN 978-9943-27-880-6

© М.Йўлдошев, «Мўминга бегона баҳор». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

*Иш устида жон беришни хоҳлайман.*

*ОВИДИЙ*

## **СЎЗБОШИ**

Ўзингча турли ижодий ишларни режа қилиб юрасан. Бир ҳикоями, шеърми ёзиш истаги туғилган бўлади. Уни пишитиб, ўйлаган шаклларингга солиб қоғозга туширмоқ бўласан, матбуотга олиб боришни, қайсидир санага тўғрилаб нашр ёки чоп этиришни кўзлайсан. Лекин нимадир бўлиб, унинг ўрнига бутунлай бошқа нарсани ёзишингга тўғри келади. Бу ҳаёт! У бизнинг измимизда эмас, биз унинг измидамиз.

Абдумўмин ҳақида узоқ йиллар аввал ёзганман. Сухбат кўринишида эди у. Кейин яна ёздим. Мақола бўлди буниси. Ундан кейин яна ва яна ёздим. Минг афсуслар бўлсинким, бу галгилари у ҳақдаги хотираларим эди. Абдумўмин энди йўқ. Мен қачонлардир у ҳақида китоб ёзаман ёки китоб тўплайман деб асло ўйламаган эдим. Юқорида айтганимдай, бошқа китобларим режаси билан юрувдим. Аммо ишлар бунақасига айланиб кетди...

Ўтган бир йил ичида бир эмас, уч нафар суҳандонимиз оламдан ўтибди. Ўйласанг, ваҳминг келади. Аввалига соппа-соғ юрган Раҳматилла Мирзаевнинг фожиали ўлими. Бутун Республика аҳлини титратиб юборган шум хабар...

Куз ойларида жуда ҳурмати баланд бир одам мендан Ҳалима Юсупованинг телефонларини топиб беришимни сўраб илтимос қилди. Бир ойлар чамаси қидириб кўрдиму, уринишларим беҳуда кетди. Ҳалима опа ҳеч қаерда йўқ. Абдумўминдан уларнинг те-

лефон рақамларини олувдим, бу рақам ҳам мутлақо жавоб бермади. Ҳалима опа уйларини алмаштирганликлари боис, қаерда туришларини ҳам билмасдим.

Бу орада опани топиб беришимни сўраган одам ҳам негадир жим бўлиб кетди. Аммо кўп ўтмай, яна телефоним жиринглаб, ўша одам билан боғландик. «Топиб бермасангиз бўлмайди, менга жуда ҳам зарурлар», деб туриб олди. Ноилож, наманганликлардан суриштира бошладим. Аммо улар ҳам ёрдам бериша олмади. Умид билан радио ходимларига мурожаат қилдим. Мана шу ердан хунук бир хабар эшитдим: Ҳалима опа вафот этибдилар...

Ҳалима Юсупова бизга радиодан келиб қўшилган ажойиб суҳандон эдилар. «Ахборот» дастурларини, газал кечаларини, адабий-бадий композицияларни олиб борардилар. Нихоятда дилбар аёл эдилар. Нафақага чиққанларидан кейин кўпроқ аёллар билан мулоқотда бўлар, биз эркаклар сал нарироқ бўлиб қолган эдик. Аммо аёл суҳандонларимиз ҳам мен билган телефон рақамидан бошқасини билишмас экан.

Уйларини алмаштирганларини, Янгиобод томонлардан квартира олганларини эшитган эдигу, аммо бориб кўриб келиш nasib қилмаган эди. Касалга чалиниб, уйда ёлғизланиб қолганликлари сабабли, қариндошлари Наманганга олиб кетишган экан. Ўғиллари ўша ерда ишларди. Қизларининг бўлса, ўз оиласи, қайинбўйинлари дегандай... Рамазон ойида вафот этибдилару, ҳеч ким биз ҳамкасбларига хабар бериб қўйишни лозим топмабди. Мен шунга хафа бўлдим...

Янги йил бошидан эса, мутлақо қутилмаган, ақл бовар қилмайдиган навбатдаги шум хабар: Абдумўмин оламдан ўтиб қолибди! «Мутлақо»лигига сабаб бор-да, назаримда! Ҳалима опа дардга чалиниб узок ётибдилар. Раҳматилла Мирзаев эса фожиа қурбони бўлди. У ҳам соппа-соғ эди. Бироқ уларнинг

ичида энг навқирони ва соғломи, куни кеча шод ижод қилиб юрган одамнинг вафот этишига ишониш чинданам қийин-да! Лекин одамзод чидаркан! Ёрилмаганига «тошданми» дейсан. Узилмаганига «резинками» дейсан... «Эй, темирдан экан» деб юборасан. Билмадим, одамни нимадан яратган экан худойим. Ишқилиб, чидайверамиз-да.

Ҳаммалари ҳам «сухандон» деган номни тўла оқлаган касбдошларим эди. Аммо Абдумўминда яна бошқа сифатлар ҳам бор эдики, ўшалари билан у менга кадрдонроқ, суюмлироқ ва куюмлироқ эди. Ушбу китобни ҳам суйганим, куйганим важдан тартибга келтирмоқдаман. Ўзимни шунга бурчли деб билдим. Ичимдан шунга бир эҳтиёж сездим. Юрагимга тушган шу фикрдан тинчимни йўқотдим. Лекин такрор айтаманки, Мўмин ҳақида китоб ёзаман, деб ўйлаган ҳам эмасман.

Китоб ҳақида овоза қилмадим. Айюҳаннос солмадим. Фақат ўзим билган ва ушбу китобда Мўмин ҳақида гапиришга ҳақли деб ўйлаган одамларимга айтдим холос. Эълон қилганимда балки унинг ҳажми каттароқ бўлармиди.

Ушбу китобда сиз Абдумўминнинг дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари, жигарлари битган хотираларини ўқийсиз. Унинг ўзи ёзган мақолалар, у билан қилинган суҳбатлар, илк китоби «Топган гул...»дан саралаб олинган ижод намуналари, нутқ маҳорати йўлидаги изланишлари маҳсули билан танишасиз. Шулар восита бўлиб, у билан ўзингиз ўргангиздаги муносабатларни эсга оласиз, қайсидир бир тантана ёки гурунгда қилган ширин суҳбатларни хотирлайсиз. Унинг қандайдир бир яхшилиги ўтган бўлса, дуо қилиб қўясиз, агар сиздан унга ўтган бўлса, дилгиз бир оройиш топади. Хуллас, ҳаммамиз учун кадрдон бўлган бир яқинимизни биргалашиб эслаймиз.

Абдумўмин Ўтбосаров кинода ўйнашни истамаган, бу йўлга ўзини тикмаган бўлса ҳам, режиссёрлар уни баъзи-баъзида чақириб, ўзлари маъқул деб топган ролларда суратга олиб юришарди. Шулардан бири «Бегона баҳор» фильми эди. Ушбу китобни ёзаётганда унинг синглиси Барно Ўтбосарованинг хотираларидан таъсирланиб, ўша фильм эсимга тушди ва китобга «Мўминга бегона баҳор» деб ном бердим... Илло, бу галги баҳор унга бегона бўлиб келди.

## ТАВАЛЛО

Онамга куйдим – бу қадимий мерос,  
Отамни кўрмадим, чидадим, Оллох!  
Жигарларим олдинг – сабрим беқиёс,  
Дўстимни олувдинг, қилдим тавалло:

Оллоҳим, умримни узоқ қил энди,  
Жим юрай, дилимда тиловат, такбир.  
Дўстим орзуларин қилгин шоҳиди,  
Икки дўст умрини қил менга тақдир.

Айтмаган сўзларин олайн айтиб,  
Тугатай, битмаган бўлса ишлари.  
Марҳамат сендадир, сендадир тартиб,  
Доим бўлиб келган Раб хоҳишлари.

Оллоҳим, умримга бергин барокат,  
Юборма фариштанг, қазойим тезлаб.  
Дўст учун яшай мен, сақлаб садоқат,  
Туғилган кунда ўлганин эслаб...

\* \* \*

Тушимга Абдумўмин кирибди.

Тушимга Абдумўмин кирибди. Кўриниши хотир-  
жам. Кулранг костюмда. Сочлари оппоқ оқариб кет-  
ган эмиш. Ўзи жудаям озиб кетган. Лекин чарча-  
ган, касалманд эмас. Ёшлигидагига ўхшаш ихчам.  
Мен ўзимча айтармишман: «Сочи оқарганига мослаб,  
кулранг костюм кийибди. Қорамтирроқ костюм бўл-  
са, сочи оқариб кетгани яққол билиниб қоларди»...

Мен кароматчи ҳам, таъбирчи ҳам эмасман. Лекин  
одам боласи ҳамма нарсадан ҳам яхшилик кўришга  
интилади – айниқса тушлардан.

Сочлари оқарганини «оқлик»ка йўйдим. Бутун  
умр халққа ва юртга хизмат қилган одамнинг охира-

ти оққа бурканганига ишорат бу, дедим... Озганини ҳам унинг у дунёдаги «иши» – савол-жавоблари энгил кўчганига ишорат деб билдим. Илоҳо, шундай деб ишонаман. Чунки «ноумид-шайтон» деб бежиз айтилмаган. Бугун дўстимнинг бу дунё ташвишларини ташлаб кетганига бир ой бўлди. Охирати обод бўлгани рост бўлсин. Омин!

## МЎМИН, МЎМИНЖОН!..

Мухлислардан узр сўраган ҳолда яна қайғули мавзуда ёзишга мажбурман. Орамиздан яна бир муносиб инсон, моҳир суҳандон, ўз ишининг устаси, жамоат ва жамиятда ҳурмат қозонган, босган қадамида одамларга яхшилик улашиб юрган қадрдонимиз – Абдумўмин Ўтбосаров кетди. Ўттиз йилдан ортиқроқ елкама-елка ишладик. Ўтган йиллар давомида не ерларга қадамимиз етмадию, не инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлмадик. Қанчадан-қанча кўнгилли ё кўнгилсиз воқеа ва ходисалар оқимида бирга суздик. Олдинма-кейин сочимизга оқ тушди. Кетма-кет унвонлар, мукофотларни қўлга киритдик. Ўзимиз ҳам, фарзандларимиз билан бирга ҳам тоғлар ошдик, кўнгилга эрк бердик. Қаерда юрмайлик, оиламизни, ишимизни, демакки, бурч ва вазифамизни бажаришни олдинги қаторга қўйдик.

Оллоҳим одам зотига на фаришталарию ва на бошқа махлуқотига бермаган неъматларни ато этган. Ҳис-туйғу, муҳаббат ва нафрат, адолат ва жаҳолат, садоқат ва хиёнат. Келиб-кетаримизда уларнинг қай бири бизни ўзига оғдириб олганига қараб, орқамиздан ё гул ва ёки тош отилади.

Орқасидан гул отиладиган одамлардан бири Абдумўмин эди. У менинг дўстим эди. Қадрдоним эди. Қиёматлигим эди. Шогирддан ҳамкасб, ҳамкасбдан – дўст, дўстдан – жигарлик даражасига сазовор бўла



олган укам эди. Оллоҳга қасамки, мен иккита катта ўғлимга, баъзи-баъзида эса, ҳаддим сиққан жиянларимга доимо уни мисол қилиб, намуна, йигитнинг эталони сифатида келтирардим. Меҳнаткашлиги, ҳалоллиги, интилувчанлиги, ишбилармонлиги ва оилапарварлиги менга жуда ёқарди. Умуман, у нима қилса, менга маъқул бўлаверарди. Чунки менинг ўзим шунақа эдим. Душманам – дангаса, танбал одам. Ёмон кўрганам – бекорчиликда саланглаган киши. Уям шунақа эди. Мана, хоҳ ишонинг, хоҳи йўқ, йигирма йилга яқин «Чорбоғ»даги дала ҳовлимизга чиқиб дам оламиз. Лекин бирон марта кунни саланглаб, бекорчиликда қарта ёки нарда ўйнаб ўтказмаганмиз. Ё мазмунли ва кети кўринмас суҳбатлар қураб, ё биргалашиб кетмону белкурак, гулкайчию арраларни ишга солиб, боғбонлик қилардик. Жуда бўлмаганда гоҳи биргалашиб, гоҳи алоҳида-алоҳида китобхонликка мук тушардик. Аммо асосий машғулотимиз, болаликда ўрганолмаганимиз – ошхона илмининг сир-асрорларини таваккал ўзимизда синаш – пазандалик қилиш билан дам олардик. Пиширган таомимиз ўхшаса, маза, ўхшамайроқ чиқиб қолса, кўз ва қўлни ўргатганимиз фойдага қолади, дея ҳар турлик овқатларни тайёрлаб кўрардик. Бир гал у кийма думалоқ қилиб берарди. Бу «французча тефтели» дейилади аслида. Биз уни ўзлаштириб ва «ўзбекчалаштириб», «Французские тефтели по Бостандыкски» деган атамалар ясаб олиб, кайфиятимизни кўтарардик. Баъзида мен унга ўзбекчалаштирилган «рассольник» – перловка (арпа ёрмаси) шўрва қилиб берардим. Ўзбекчалиги шуки, сал гўштлироқ ва илиги тўлароқ бўларди. Онамдан қолган шокосаларга сузиб келсам, шунақанги бир иштаҳа билан ичиб олардики, ҳар қандай ошпазнинг ҳаваси келиб кетарди.

Ўша дала ҳовли шароитида эринмасдан шилпил-док қилиб берган, десам, балки ишонмасиз! Лекин бунга гувоҳларим бор. Гап овқатдамас. У овқат-хўр, дастурхонсевар, чойхонабоп йигит эмасди. Гап шавқда! Шавқли йигит эди.

Менга унинг бунёдкорлиги ёқарди. У йўқ нарсадан бор қилишни яхши кўрарди. Бир хиллар йўқ гапларни тарқатиб, одамларни уриштириб қўйиб, жанжал-тўполонни бир четдан томоша қилиб, маза қилади. Бу ҳам йўқдан бор қилиш. У эса, бу каби майда-чуйдалардан узоқ юриб, аввал кооператив квартиралик бўлди. Ўша йиллар мен анча яйраб қолувдим. Чунки у «Лисунова» даҳасидан менга жуда яқин бўлган «Жарариқ» даҳасига кўчиб келувди. Шундоққина яқинимда турарди. Кўп кўришардик. Лекин шаҳарнинг чеккаси бўлгани учун ишимизга жуда ҳам ноқулай эди. Шунинг учун у марказдан бошқа квартира сотиб олди. Бу ерни сотиб, янги квартирасини таъмирлаб, ўша ерга кўчиб ўтди. Мен яна хурсанд бўлдим. Чунки одамларнинг кўпчилиги ўз ҳузур-халоватини бузмасдан, битта айвонча ёки ошхона ҳам қурмасдан бу дунёдан ўтиб кетишяпти. Мен уларни ҳам яхши танийман. Ўлигини ташлаб олганча, «Ана, укам қилсин» ёки «Болалар катта бўлса ўзи қиволади», – деб телевизор олдида ағанаб ётганларнинг манзилларини бераман, керак бўлса. Лекин Абдумўмин тиним билмайдиганлар тоифасидан эди. Ахир, рости ҳам шу эмасми. Бир марта яшайдиган шу умрни чиройли, муносиб яшаб ўтганга нима етсин! «Мен ўн саккиз минг оламини бунёд қилувдим. Бандам, сен ҳаётингда нима бунёд қилдинг», – деб Яратган бир куни сўраб қолса, нима деган одам бўламиз? Абдумўмин шу тахлит ўз ҳаётини чиройли қилишга уриниб яшади. Ва бунинг уддасидан чиқди ҳам. Кейин у «Бодомзор»дан бир



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4130> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4130> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/4130>